

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги
“Ўзавиация” агентлиги томонидан 2023 йилнинг январь–июнь
ойлари давомида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган
муурожаатларни кўриб чиқиш ҳолатининг
ТАҲЛИЛИ**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиация агентлиги томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатларнинг Қонунда белгиланган тартибда ўз вақтида ҳар томонлама ва сифатли кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

“Ўзавиация” агентлигига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатлар таҳлили бўйича 2023 йилнинг 6 ойида жами 25 та муурожаат келиб тушган. Мазкур муурожаатларнинг 18та электрон шаклдаги муурожаатлар бўлиб, шулардан 9таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган, қолганлари “Ўзавиация” агентлигининг расмий веб-сайтига, электрон почтага ва почта орқали ёзма шаклдаги муурожаатлардан ташкил топган.

2023 йилнинг 6 ойида келиб тушган муурожаатларнинг 2 таси (8%) қаноатлантирилди, 13 таси (52%) юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди ва 3 таси (12%) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан рад жавоби берилди ҳамда 6та (24%) муурожаат тегишлиги бўйича 445-ЎРҚ 25-моддасига асосан бошқа ваколатли давлат органига юборилди. Келиб тушган муурожаатлар 5таси (20%) юридик шахсга ва 20таси (80%) жисмоний шахсга тегишлидир.

“Ўзавиация” агентлигига келиб тушаётган барча муурожаатлар бевосита раҳбарият томонидан назоратга олинган. “Ўзавиация” агентлигининг муурожаатлар билан ишлаш аҳволи тизимли равишда мониторинг қилиниб, ҳар чоракда таҳлил қилиниб агентликнинг расмий веб-сайтига диаграмма шаклда жойлаштирилиб борилмоқда.

“Ўзавиация” агентлигининг кенгайтирилган йиғилишларида ҳар чоракда муурожаатлар билан ишлаш аҳволи бўйича муҳокама қилиниб, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш ҳақида тегишли кўрсатма ва топшириқлар бериб келинмоқда.

Шунингдек, “Ўзавиация” агентлигининг раҳбарияти ҳамда бўлим раҳбарлари, масъул ходимлари аҳолининг муаммоларини эшитиш ва уларни ҳал этиш юзасидан жойларда мунтазам равишда сайёр қабулларни ташкил этиш юзасидан график тасдиқланган бўлиб, шу асосда сайёр қабуллар ўтказилиб келинмоқда. Бунда, муурожаатларни кўриб чиқиш, уларни жойига чиқиб ўрганишга, уларни ижобий (қаноатлантириш) ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилган.

**O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi xuzuridagi
“O‘zaviatsiya” agentligi tomonidan 2022 yilning yanvar–sentabr
oylari davomida jismoniy va yuridik shaxslardan kelib tushgan
murojaatlarni ko‘rib chiqish holatining
TAHLILI**

O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi Fuqaro aviatsiya agentligi tomonidan jismoniy va yuridik shaxslardan kelib tushgan murojaatlarning Qonunda belgilangan tartibda o‘z vaqtida har tomonlama va sifatli ko‘rib chiqilishi ta‘minlanmoqda.

“O‘zaviatsiya” agentligiga jismoniy va yuridik shaxslardan kelib tushgan murojaatlar tahlili bo‘yicha 2022 yilning 9 oyida jami 23 ta (2021 yilning 9 oyida esa jami 43 ta) murojaat kelib tushgan. Mazkur murojaatlarning 8 ta elektron shakldagi murojaatlar bo‘lib, shulardan 3 tasi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Virtual qabulxonasi orqali kelib tushgan, qolganlari “O‘zaviatsiya” agentligining rasmiy veb-saytiga, elektron pochtaga va pochta orqali yozma shakldagi murojaatlardan tashkil topgan.

2022 yilning 9 oyida kelib tushgan murojaatlarning 5 tasi (21.7%) qanoatlantirildi, 17 tasi (73.9%) yuzasidan huquqiy tushuntirish berildi va 1 tasi (0.04%) anonim bo‘lganligi sababli 445-O‘RQ ning 3 va 29-bandlariga asosan ko‘rmasdan qoldirildi. Kelib tushgan murojaatlar 39% yuridik shaxsga va 61% jismoniy shaxsga tegishlidir.

“O‘zaviatsiya” agentligiga kelib tushayotgan barcha murojaatlar bevosita rahbariyat tomonidan nazoratga olingan. “O‘zaviatsiya” agentligining murojaatlar bilan ishlash ahvoli tizimli ravishda monitoring qilinib, har chorakda tahlil qilinib agentlikning rasmiy veb-saytiga diagramma shaklda joylashtirilib borilmoqda.

“O‘zaviatsiya” agentligining kengaytirilgan yig‘ilishlarida har chorakda murojaatlar bilan ishlash ahvoli bo‘yicha muhokama qilinib, kamchilik va muammolarni bartaraf etish haqida tegishli ko‘rsatma va topshiriqlar berib kelinmoqda.

Shuningdek, “O‘zaviatsiya” agentligining rahbariyati hamda bo‘lim rahbarlari, mas‘ul xodimlari aholining muammolarini eshitish va ularni hal etish yuzasidan joylarda muntazam ravishda sayyor qabullarni tashkil etish yuzasidan grafik tasdiqlangan bo‘lib, shu asosda sayyor qabullar o‘tkazilib kelinmoqda. Bunda, murojaatlarni ko‘rib chiqish, ularni joyiga chiqib o‘rganishga, ularni ijobiy (qanoatlantirish) hal etilishiga alohida e‘tibor qaratilgan.